

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил
ЯНВАРЬ – ИЮНЬ**

Урганч – 2018

СЎЗ БОШИ

Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси Хоразм вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Хоразм вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-июнь ойлари яқунлари бўйича Хоразм вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари chop этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

**Хоразм вилояти статистика бошқармаси бошлиғи Х.Б.Мадаминовнинг
умумий таҳрири остида**

Таҳрирчилар: А.Р.Ўтамуратов – Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

А.И.Рахимов – Бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3),.....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	6
I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	7-9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	7-9
II. САНОАТ	10-17
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	10-13
Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми	14-17
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	18-26
Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	18-19
Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	20-22
Ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	23-26
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	27-38
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	27-28
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар	28-29
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	29-31
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби	32-34
2018 йил январь – июнь ойларида Ҳудудлар кесимида ишга туширилган турар жойлар	35-36
Қурилиш ишлари	37-39
V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	40-43
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	40-43
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	44-49
Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	44
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари	45-49

Номи	бет.
VII. ХИЗМАТЛАР	50-56
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	50-56
VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	57-58
Юк ташиш	57
Йўловчи ташиш	58
IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ	59-62
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	59
Шаҳар ва туманлар кесимида чакана товар айланмаси ҳажми умумий овқатланишни кўшган ҳолда	60-62
X. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	63-65
Вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши	63-64
Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	65
Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	66
МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби	67
Хоразм вилоятида ҳудудлар кесимида 2018 йил январь-июнь ойларида Ташқи савдо айланмаси ҳажми (минг АҚШ долл.)	68-70
XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	71-78
Доимий аҳоли сони	71
Аҳолининг табиий ҳаракати	72-73
Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони	74-76
Кўчиб келиш ва кўчиб кетишлар сони	77-78
XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	79-85
Иш ҳақи	79-82
Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	83-84

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь–июнь**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	4737,7	104,1
Саноат маҳсулоти	2479,3	114,2
Истеъмол товарлари	1543,8	115,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2018,1	102,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1142,4	112,2
Қурилиш ишлари	907,7	104,0
Юк айланмаси (млн. тн-км)	304,4	106,2
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	3645,0	102,0
Чакана товар айланмаси	2421,6	105,4
Хизматлар, жами	1949,8	105,6
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	108,9	77,2
Экспорт (млн. АҚШ долл)	40,8	69,0
Импорт (млн. АҚШ долл)	68,1	83,2
Сальдо (+;-) (млн. АҚШ долл)	-27,3	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 4737,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 124,7 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-июнь ойлари учун ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари (фоиз ҳисобида)



Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,7 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 24,8 фоиз), саноат – 111,3 фоиз (19,5 фоиз), қурилиш – 104,0 фоиз (9,0 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,4 фоиз (8,1 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,7 фоиз (9,2 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 101,3 фоиз (25,8 фоиз)ни ташкил қилди.

**2018 йил январь-июнь ойларида вилоят ялпи ҳудудий
маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**


	млрд.сўм		2017 йил январь-июньга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	3649,4	4737,7	104,1
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3504,6	4525,2	104,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	144,8	212,5	105,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3504,6	4525,2	104,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	954,5	1283,3	102,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	916,8	1288,2	108,7
саноат	591,3	882,5	111,3
қурилиш	325,5	405,7	104,0
Хизматлар	1633,3	1953,7	102,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	294,0	364,9	102,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	383,9	418,5	104,7
бошқа хизматлар	955,4	1170,3	101,3

2018 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири 111,3 фоиз - саноат тармоғи ҳиссасига тўғри келмоқда.


ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 64,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-июнь ойларида 67,5 фоизни ташкил қилган.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь–июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-июнь



2018 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни кўшган ҳолда)
- Хизматлар

2018 йилнинг январь-июнь ойларида ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 43,1 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 3,5 пунктга камдир (46,6 фоиз). Жумладан, ташиш ва саклаш, ахборот ва алоқа хизматлари 1,8 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 9,2 фоизни ташкил қилди. Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-июнь ойларидаги 27,2 фоиздан 2018 йил январь-июнь ойларида 25,8 фоизга тушди.

II. САНОАТ


2018 йил январь-июнь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2479,3 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 114,2 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 1543,9 млрд. сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-июнь ойлирига нисбатан 115,5 фоизни ташкил этди.

Жумладан, 431,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 1096,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-июнь ойлирига нисбатан мос равишда 105,8 фоиз ва 120,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-июнь ойларида 7,4 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби январь-июнь ҳолатига
(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш


2018 йил январь-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	2479,3	114,2
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	0,01	107,7
<i>улардан:</i>		
Тоғ- кон саноатига боғлиқ бошқа фаолият	0,01	107,7
Қайта ишлаш саноати	2371,6	115,4
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	469,9	100,8
Ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	84,3	113,5
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	560,1	103,6
Кийим ишлаб чиқариш	29,4	157,2
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	3,4	105,2
Ёғоч ва пўкак буюмлар, похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, ишлаб чиқариш	2,1	101,5
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш	6,5	102,9

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,4	107,7
Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,02	107,3
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4,6	104,9
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	3,2	107,9
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	11,2	108,8
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	82,4	108,8
Металлургия саноати	7,5	109,5
Машина ва ускуналардна ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	58,9	128,4
Компьютер ва электрон оптикали маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,01	107,2
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	9,1	104,7
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	58,5	110,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	905,7	136,1
Мебель ишлаб чиқариш	10,0	104,6
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	56,7	93,9
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	7,7	95,2

	млрд. сўм	ўсиши суръати, фоиз ҳисобида
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	89,2	86,8
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	18,5	143,6
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	1543,8	115,5
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	431,1	105,8
ноозик-овқат товарлари	1096,6	120,3

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариши ҳажмига нисбатан фоизда)




Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь-июнь ойига нисбатан, фоизда</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь-июнь ойига нисбатан ўсиш суръати, фоизда</i>
Вилоят бўйича жами	2479,3	114,2	1543,8	115,5
<i>шахарлар:</i>				
Урганч ш.	601,0	105,0	327,7	108,3
Хива ш.	24,6	106,2	23,1	107,0
<i>туманлар:</i>				
Боғот	147,3	106,0	40,2	122,4
Гурлан	87,5	103,9	37,2	108,1
Қўшқўпир	78,4	113,1	30,3	112,6
Урганч	64,6	115,1	60,9	118,4
Хазорасп	1010,1	127,6	803,0	119,0
Хонқа	188,4	103,1	78,8	114,7
Хива	36,8	106,2	34,7	107,0
Шовот	118,1	117,6	64,1	129,0
Янгиариқ	72,2	104,7	24,0	105,4
Янгибозор	50,3	94,5	19,8	111,1

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

Шаҳар ва туманларнинг вилоят жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)




Ишлаб чиқарадиган sanoatда йирик sanoat корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)


	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь ойига нисбатан ўсиш суръати, фоизда
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз)	дона	14164	123,9
Юк автомобиллари	дона	3807	3,3 м.
Автомобил кузовлари	дона	9784	133,7
Пахта толаси	минг тонна	44,6	88,6
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг тонна	12,7	84,8
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тонна	38,2	94,9

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь ойига нисбатан ўсиш суръати, фоизда
Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар (пардоз учун ишлатиладиганидан ташқари)	тонна	5555	111,4
Арок	минг л 100%ли спирт	723,4	88,2
Табиий оқ ва қизил десерт узум винолари	минг л 100%ли спирт	610	100,0
Коньяк спирти (коньяк дистилляти)	минг л 100%ли спирт	34	0,0
Ширинлик қўшилмаган табиий минерал газли сувлар	минг литр	2819	129,2
Ширинлик қўшилмаган табиий минерал газсиз сувлар	минг литр	1138	54,8
Шакар, бошқа ширинлик ёки хушбўйлаштирувчи моддалар қўшилган сувлар, жумладан минерал ва газли сувлар	минг литр	17165	123,5


Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Шаҳар ва туманлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да
(2017 йил январь-июнь ва 2018 йил январь-июнь ойлари учун)




Ш. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2018,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,7 фоизни шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 709,8 млрд. сўмни (103,4 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 1257,7 млрд. сўмни (101,8 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 25,9 млрд. сўмни (102,5 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 21,7 млрд. сўмни (143,1 фоиз), овчилик хўжалигида 0,036 млрд. сўмни (57,2 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,9 млрд. сўмни (101,3 фоиз) ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши


(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида энг катта улушни деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари эгаллаган бўлиб, 2018 йил январь-июнь ойларида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 87,6 фоизини ташкил қилди (2017 йил январь-июнида – 85,7 фоиз), фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 11,3 фоизи ишлаб чиқарилган (2017 йил январь-июнида 13,3 фоиз), шунингдек, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 1,1 фоизи ишлаб чиқилган.

2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

(Вилоят бўйича 2018,1 млрд.сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,7 фоизга ўсган. Шундан ҳудудлар кесимида қуйидаги диаграммада кўрсатилган.)



Ҳосил йиғими. 2018 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 224,6 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 222,5 минг тоннаси буғдой ташкил қилди.

Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликларда 47,0 минг тонна картошка қазиб олинди (2017 йилга нисбатан 82,0 фоизга кам), 79,9 минг тонна сабзавот (104,1 фоизга кўп) йиғиб олинди, 4,5 минг тонна полиз экинлари (112,2 фоизга кўп), 35,1 минг тонна мева ва резаворлар (105,5 фоизга кўп) ва 0,6 минг тонна узум (120,0 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони 849,6 минг бошни ташкил қилиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизга кўпайган бўлса, шу жумладан сигирлар сони 330,0 минг бошни ташкил қилиб 99,5 фоизга камайган. Қўй ва эчкилар сони 412,4 минг бошни ташкил этиб, 103,0 фоизга ошган бўлса, отлар сони 5,3 минг бошни ташкил этиб, 99,6 фоизга, паррандалар сони 5249,2 минг бошни ташкил этиб 98,8 фоизга камайган.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 71,7 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 июль ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Йирик шохли корамол	849,6	100,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	53,3	86,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	789,7	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	6,6	103,1
улардан: сигирлар	330,0	99,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	18,6	79,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	309,7	101,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,7	85,0
Қўй ва эчкилар	412,4	103,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	40,3	122,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	370,4	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,7	100,0
Отлар	5,3	99,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,5	98,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4,7	99,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,07	145,7
Паррандалар	5249,2	98,8

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
--	-----------------	----------------------------

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	585,1	52,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	3489,1	100,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1175,0	164,8

2018 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
--	----------------	----------------------------

Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	80,9	100,4
--------------------------------------	-------------	--------------

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	1,8	70,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	78,6	101,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	0,5	111,4
Сут, минг тн.	529,5	102,9

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	16,0	84,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	512,1	103,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,4	109,1
Тухум, млн. дона	289,8	106,6

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	15,7	95,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	192,1	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	82,0	127,7

Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-июнида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 222,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 85,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 11,3 фоизни ташкил этди.


2018 йилнинг 1 июль ҳолатига фермер хўжаликларида 53,3 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18,6 минг бош сигир, 40,3 минг бош қўй ва эчкилар, 585,1 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 86,8 фоизни, шу жумладан сигирлар 79,5 фоизни, қўй ва эчкилар 122,9 фоизни, паррандалар 52,0 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-июнь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-июнь				2017 январь- июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил		2018 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	119460	55,1	129525	57,7	108,4
<i>шу жумладан:</i>					
буғдой	119003	55,1	128092	57,6	107,6
Картошка	6065	10,6	3558	7,6	58,7
Сабзавот	23633	30,8	13655	17,1	57,8
Полиз	2003	50,3	2103	47,1	105,0
Мева ва резаворлар	8756	26,3	7598	21,6	86,8
Узум	157	28,5	211	32,0	134,4
Гўшт, тирик вазнда	2605	3,2	1834	2,3	70,4
Сут	18929	3,7	15986	3,0	84,5
Тухум, млн. дона	16,5	6,1	15,7	5,4	95,2
Жун, тонна	53	7,9	44	8,2	83,0
Қоракўл, дона	140	2,6	221	3,9	157,9

2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Бугдой (тонна)
Жами вилоят бўйича
222526



Картошка (тонна)
Жами вилоят бўйича
47024



Сабзавотлар (тонна)
Жами вилоят бўйича
79854



Полиз (тонна)
Жами вилоят бўйича
4467



Мевалар ва резаворлар
(тонна) Жами вилоят
бўйича **35113**



Узум (тонна)
Жами вилоят
бўйича **660**




**2018 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



Йирик шоҳли қорамоллар (бош)
Жами вилоят бўйича **849628**




шу жумладан сигирлар (бош)
Жами вилоят бўйича **330044**



Қўйлар ва эчкилар (бош)
Жами вилоят бўйича 412383



Паррандалар (минг бош)
Жами вилоят бўйича 5249,2



2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт (минг тонна)
Жами вилоят бўйича 80,9



Сут (минг тонна)
Жами вилоят бўйича 529,5



Тухум (млн. дона)
Жами вилоят бўйича **289,8**




Жун (тонна)
Жами вилоят бўйича **539**



IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-июнь ойларида вилоятнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1142,4 млрд. сўм (доллар эквивалентида 141,3 млн АҚШ долл) миқдорида асосий капиталга инвестициялар киритилиб 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 112,2 фоизни, шундан хорижий инвестициялар 81,5 млрд. сўмни (жамига нисбатан улуши 7,1 фоиз) ташкил этди.


2018 йил январь - июнь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати



2018 йилнинг январь – июнь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярми, яъни 50,6 фоизи вилоятнинг 2 та тумани ҳиссасига жумладан, Урганч шаҳри 36,8 фоиз ва Шовот тумани 13,8 фоизи тўғри келади.

Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Урганч шаҳри 180,3 фоиз, Шовот тумани 152,5 ва Боғот тумани 142,4 фоиз ўсиш кузатилди.

Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар



2018 йилнинг январь – июнь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Урганч шаҳри 2992,6 минг сўм (178,6 фоиз), Шовот тумани 964,0 минг сўм (149,9 фоиз ва Янгибозор тумани 740,2 минг сўм (124,1 фоиз) қайд қилинди.

2018 йил январь - июнь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1142,4	112,2	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	263,6	123,7	23,1
бюджет маблағлари	74,8	96,5	6,5


	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
давлат мақсадли фонд маблағлари	92,2	178,5	8,1
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	24,0	116,2	2,1
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	72,6	253,5	6,4
Марказлашмаган инвестициялар:	878,8	104,7	76,9
корхоналарнинг ўз маблағлари	371,4	183,2	32,5
аҳоли маблағлари	357,3	80,7	31,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	9,0	20,9	0,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	141,0	94,5	12,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби
(2018 йил январь-июнь)

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	1142,4	253,4	889,0
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	804,7	200,4	604,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	313,5	45,1	268,4
Бошқа ҳаражатлар	24,2	7,9	16,3


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида Вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 70,4 фоизни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга ҳаражатлар 27,4 фоизни ҳамда бошқа ҳаражатлар улуши 2,2 фоизни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(январь-июнь ҳолатига)




Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари 2018 йил январь-июнь ойларида мос равишда 23,1 фоиз ва 76,9 фоизларни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичларнинг улушлари ўтган йилнинг шу даврида 17,4 фоиз ва 82,6 фоизларни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари жами инвестициялар ҳажмидаги (улуши % да)



2017 йилнинг шу даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестициялар улуши 3,6 фоиз пунктга ўсган, мос равишда Давлат мақсадли жамғармаси улуши 3,1 фоиз пунктга кўпайган бўлса, Республика бюджети маблағларининг улуши 1,1 фоизли пунктга камайди.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган
молиялаштириш манбалари
жами инвестициялар ҳажмидаги (улуши % да)**



**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари
бўйича таркиби**

	Жами инвестиция лар млрд. сўм	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан фоиз)						
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамғармалари	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Хоразм вилояти	1142,4	6,5	8,1	63,8	12,3	7,2	2,1	-
Шаҳар ва туманлар								
Урганч ш.	420,8	12,4	7,4	40,1	16,3	18,1	5,7	-
Хива ш.	29,2	0,6	6,0	75,4	18,0	-	-	-
Боғот	66,8	2,4	11,4	69,3	16,9	-	-	-
Гурлан	50,7	3,5	7,9	82,1	6,5	-	-	-
Қўшқўпир	53,3	6,7	9,1	81,7	2,5	-	-	-
Урганч	74,7	3,6	8,9	58,7	24,8	4,0	-	-
Хазорасп	93,9	5,4	5,4	73,2	13,5	2,5	-	-
Хонқа	60,5	3,4	9,4	78,1	9,1	-	-	-
Хива	36,3	6,1	20,9	49,6	23,4	-	-	-
Шовот	158,0	1,0	3,7	94,7	0,6	-	-	-
Янгиариқ	35,8	3,4	22,1	63,6	10,9	-	-	-
Янгибозор	62,6	1,2	6,4	90,4	2,0	-	-	-


Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 январь – июнь ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан фоизда</i>
Жами:	1142,4	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	127,0	11,1
Тоғ- кон саноати	0,0	0,0
Ишлаб чиқариш саноати	200,6	17,6
Электр энергияси , газ ва буғ кондицияланган хаво	6,2	1,7
Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш	31,4	2,7
Қурилиш	21,8	1,9
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоциклларни таъмирлаш	73,7	6,5
Ташиш ва сақлаш	94,1	8,2
Овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар	9,8	0,9
Ахборот ва алоқа	14,9	1,3
Молия ва суғурта фаолияти	18,4	1,6
Профессионал, илмий ва техник фаолият	9,9	0,9
Таълим	31,0	2,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	28,9	2,5
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,6	0,1
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	342,8	30,0
Бошқа фаолият турлари	131,3	10,3
Молия ва суғурта фаолияти	18,4	1,6

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
Профессионал, илмий ва техник фаолият	9,9	0,9
Таълим	31,0	2,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	28,9	2,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 58,7 фоизидан ортиғи қуйидаги иқтисодий фаолият турларига йўналтирилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (11,1 фоиз), ишлаб чиқариш саноати (17,6 фоиз) ва жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар (30,0 фоиз).

2018 йилнинг январь – июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йилнинг январь – июнь ойларида 81,5 млрд.сўм (доллар эквивалентида 10,1 млн.долл) ёки ўтган шу даврига нисбатан 113,9 фоиз асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 7,2 фоизни ташкил қилди.

Жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларни 89,1 фоизи, яъни 72,6 млрд.сўм Ўзбекистон Республикаси қафолати остидаги хорижий кредитлар, 10,9 фоизи

хорижий инвестициялар 8,9 млрд.сўм, шундан тўғридан-тўғри инвестициялар 5,9 млрд.сўмни ташкил қилди.

2018 йил январь-июнь ойларида умумий майдони 420,0 минг кв.м. бўлган 1760 та (2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 81,9 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 349,1 минг кв.м.(81,3 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 266,4 млрд.сўмни ёки жами инвестициялардаги улуши 23,3 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь – июнь ойларида ишга туширилган турар жойлар

	Барча молиялаштириш ҳисобидан:			
	Ишга туширилди		Улардан яқка тартибдаги турар жойлар	
	Минг кв.метр	2017 йил мос даврига нисбатан фоизда	Минг кв.метр	2017 йил мос даврига нисбатан фоизда
Хоразм вилояти	420,0	81,9	420,0	81,9
Шаҳар ва туманлар				
Урганч ш.	53,9	105,8	53,9	105,8
Хива ш.	16,9	-	16,9	-
Боғот	50,0	108,7	50,0	108,7
Гурлан	56,1	121,9	56,1	121,9
Қўшқўпир	48,1	108,6	48,1	108,6
Урганч	15,5	30,0	15,5	30,0
Хазорасп	0,0	0,0	0,0	0,0
Хонқа	42,9	92,4	42,9	92,4
Хива	12,4	23,5	12,4	23,5
Шовот	55,3	119,6	55,3	119,6
Янгиариқ	16,8	42,3	16,8	42,3
Янгибозор	52,1	123,4	52,1	123,4

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	Барча молиялаштириш ҳисобидан:			
	Ишга туширилди		2017 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда	
	жами	шу жумладан қишлоқ жойларида	жами	шу жумладан қишлоқ жойларида
Турар жойлар умумий майдони минг кв.метр	420,0	349,1	81,9	81,3
улардан:				
якка тартибдаги турар жойлар	420,0	349,1	81,9	81,3
Намунавий лойиҳалар асосида қурилган якка тартибдаги турар жойлар	-	-	-	-
Поликлиникалар(ҚВПларни қўшган ҳолда), қатнов	-	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	-	-	-	-
Сув тармоғи, км	14,8	14,8	31,4	44,2
Газ тармоғи, км	2,1	2,1	10,7	21,2

Коммунал қурилиш соҳасида 14,8 км узунликдаги ичимлик суви (жумладан, қишлоқ жойларда 14,8 км), 2,1 км узунликдаги газ тармоқлари(жумладан қишлоқ жойларда 2,1 км) ишга туширилди, бу 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан мос равишда 31,4 ва 10,7 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 160,0 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 210,0 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Сув тармоқлари қурилишига 2,1 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Қурилиш ишлари

2018 йил январь-июнь ойларида 907,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,0 фоизни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати



2017 йилнинг мос даврига нисбатан фоизда

Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги шаҳар ва туманларда: Хива шаҳри 166,9 фоиз, Янгибозор тумани 141,6 фоиз ва Шовот тумани 126,9 фоиз ўсиш кузатилди.


Шунингдек, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан камайиш кузатилган туманлар қуйидагилар: Урганч тумани 74,0 фоиз, Хазорасп тумани 64,5 фоиз ва Хонқа тумани 91,5 фоиз.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь–июнь	
	2017 й.	2018 й.
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	728,4	907,7
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	47,4	46,1
нодавлат	681,0	861,6

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 86163 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,9 фоизни (2017 йил январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 105,4 фоизни) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми (млрд.сўм)



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,4 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 10,9 фоизи фуқаролик қурилиш объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 8,7 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 76,1 фоизи янги қурилиш ҳажмига тўғри келади.

Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, фоизда</i>
Хоразм вилояти	907,7	104,0	100,0
Урганч шаҳри	202,8	108,6	22,3
Хива шаҳри	31,7	166,9	3,5
<i>туманлар:</i>			
Боғот	61,4	114,3	6,8
Гурлан	53,9	111,6	5,9
Қўшқўпир	49,8	106,8	5,5
Урганч	85,9	74,0	9,5
Хазарасп	36,9	64,5	4,1
Хонқа	75,8	91,5	8,4
Хива	128,1	110,2	14,1
Шовот	70,9	126,9	7,8
Янгиариқ	42,0	101,3	4,6
Янгибозор	68,6	141,6	7,6

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда

V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 11836 тани ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 2989 та, Хива шаҳрида 1217 та, Хива туманида 1288 та, Урганч туманида 1255 та, Хонқа туманида 862 та, Янгиариқ туманида 792 та, Хазорасп туманида 731 та, Гурлан туманида 663 та, Қўшқўпир туманида 622 та, Боғот туманида 521 та, Шовот туманида 496 та ва Янгибозор туманида 400 тани ташкил қилди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь–июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 29,7 фоизи), саноат тармоғида (21,1 фоиз), қурилишда (13,8 фоиз), қишлоқ,ўрмон а балиқчилик хўжалигида (11,5 фоиз) ташкил этилган.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони
(бирлик, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2018 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-июньда	
		ташкил топди	туғатилди
Вилоят бўйича:	11836	933	456

шаҳарлар:

Урганч	2989	247	131
--------	------	-----	-----

Хива	1217	78	5
------	------	----	---

туманлар:

Боғот	521	50	75
-------	-----	----	----

Гурлан	663	51	32
--------	-----	----	----

Қўшқўпир	622	61	20
----------	-----	----	----

Урганч	1255	125	51
--------	------	-----	----

Хазорасп	731	59	27
----------	-----	----	----

Хонқа	862	69	22
-------	-----	----	----

Хива	1288	58	18
------	------	----	----

Шовот	496	53	26
-------	-----	----	----

Янгиариқ	792	52	29
----------	-----	----	----

Янгибозор	400	30	20
-----------	-----	----	----

2018 йил январь-июнь ойларида вилоятда рўйхатга олинган янги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 933 тани ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 247 та, Урганч туманида 125 та, Хива шаҳрида 78 та, Хонқа туманида 69 та, Қўшқўпир туманида 61 та, Хазорасп туманида 59 та, Хива туманида 58 та, Шовот туманида 53 та, Янгиариқ туманида 52 та, Гурлан туманида 51 та, Боғот туманида 50 та ва Янгибозор туманида 30 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 64,8 фоизи (2017 йил январь-июнида 67,5 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-июнда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 790,4 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 31,9 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизни ташкил қилди;

- 1997,8 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди;

- 687,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 60,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбата 114,5 фоизни ташкил қилди;

- 813,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 89,7 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 102,1 фоизни ташкил қилди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 3,3 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 89,8 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 72,9 фоизи ёки 1764,7 млрд. сўми (ўсиш 100,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 69,1 фоизи ёки 1347,0 млрд. сўми (ўсиш 101,4 фоиз) шакллантирилди;

- 25,8 млн АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 63,6 фоизи) миқдориди маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди. 66,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 97,2 фоизи) миқдориди маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши
(2018 йилнинг январь-июнь)

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1997,8	99,0
Саноат	790,4	31,9
Қурилиш	813,9	89,7
Чакана савдо	1764,7	72,9
Юк ташиш, млн тн.	15,0	91,5
Йўловчи ташиш, млн киши	177,9	94,3
Экспорт, млн. АҚШ долл.	25,8	63,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	66,3	97,2

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(фоизда)



VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 14918 тани ташкил қилиб, шундан 14198 таси ёки ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3580 та (24,0 фоизи), саноат 2351 та (15,8 фоизи), қурилиш 1544 та (10,3 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1139 та (7,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Жорий йилнинг бошига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 524 тага (3,8%) га ошган ҳамда уларнинг умумий сони 14198 тани ташкил этган.


Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Урганч шаҳрида (23,9%), Урганч (10,4%), Хива (9,9%) туманларида кузатилмоқда.

Туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари), бирликда




**Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона
ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари**
(2018 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	14918	100,0	14198	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмонвабалиқ хўжалиги	1139	7,6	1082	7,6
саноат	2351	15,8	2250	15,8
қурилиш	1544	10,3	1465	10,3
савдо	3580	24,0	3420	24,1
ташиш ва сақлаш	574	3,8	549	3,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	834	5,6	784	5,5
ахборот ва алоқа	225	1,5	210	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	319	2,1	312	2,2
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4352	29,2	4126	29,1




Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 95,2 % ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,8 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 0,6 % га ошган.

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да




Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 24,1 % савдода, 15,8 % саноатда, 10,3 % қурилишда, 7,6 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 5,5 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3,9 % ташиш ва сақлаш, 2,2 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,5 % ахборот ва алоқа ҳамда 29,1 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да




2018 йил январь-июнь ҳолатига 1110 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 % га кўпдир. Энг кўп янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар Урганч шаҳрида (274 та), Урганч туманида (147 та) ва Хива шаҳрида (100 та) ташкил этилган. Энг кам Янгибозор (43 та), Боғот (53 та), Гурлан (54 та) ва Шовот (63 та) туманларида ташкил этилган.

**Туманлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони,
бирликда**




Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп корхона ва ташкилотлар савдода (278 та), саноатда (197 та), қурилишда (129 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (108 та) ташкил этилган. Энг кам ахборот ва алоқада (11 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (21 та) ва ташиш ва сақлашда (35 та) ташкил этилган.

Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидаги сони,бирликда




Мулкчилик шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатга олинган корхоналарнинг 13,8 фоизи давлат мулки, 81,9 фоизи нодавлат мулки, 0,4 фоизи хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мулки ва 3,9 фоизи бошқа мулкчилик шакллари.

**2018 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган хўжалик юритувчи
субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари**
(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатга олинган корхоналарнинг 28,3 фоизи хусусий корхоналар, 7,1 фоизи оилавий корхоналар, 42,2 фоизи маъсуляти чекланган жамиятлар, 22,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатга олинган
корхоналар (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)**



2018 йил январь-июнда жами 1110 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 933 та). Уларнинг асосий қисми Урганч шаҳри (24,7 фоизи), Урганч (13,2 фоиз) туманларига ва Хива шаҳрига (9,0 фоизи) тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 25,0 фоизи савдо, 17,7 фоизи саноат, ва 11,6 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 472 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 142 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 29,6 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

VII. ХИЗМАТЛАР

2018 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1949,8 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 639,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 32,8 фоизини ташкил қилди. 2017 йил январь-июнига нисбатан ўсиш 105,6 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият

турлари бўйича тақсимланиши

(2018 йилнинг январь-июнь ойларида)

	млрд. сўм	2017 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	1949,8	105,6	100
<i>шу жумладан:</i> хизмат турлари бўйича			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	145,1	113,0	7,4
молиявий хизматлар	250,6	122,7	12,9
транспорт хизмати	556,0	102,5	28,5
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари	532,8	102,4	27,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	46,3	103,7	2,4
савдо хизматлари	544,7	101,8	27,9
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	68,0	101,5	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	55,1	108,7	2,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	36,8	115,9	1,9


	млрд. сўм	2017 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
ижара ва прокат хизматлари	44,3	103,7	2,3
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	72,7	100,5	3,7
бошқа шахсий хизматлар	64,1	100,1	3,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	16,0	102,8	0,8
бошқа турдаги хизматлар	50,1	104,9	2,6

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматларига (27,9 фоизи) транспорт хизматларига (28,5фоизи) ва автотранспорт хизматларига (27,3 фоизи) тўғри келади.

Шунингдек, таълим соҳасидаги хизматлар (108,7 фоиз), молиявий хизматлар (122,7 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (113,0 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматлари (103,7 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (115,9 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (102,8 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларда (104,9 фоиз) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида курукликдаги транспорт хизматлари – 98,0%, омборга жойлаштириш хизматлар ва ёрдамчи транспорт хизматлари – 1,8 %, почта ва курьерлик хизматлари – 0,2%ни ташкил этди.

Транспорт хизматлари нинг таркиби (2018 йил январь-июнь ойлари учун)




Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодиётнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги

хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.


2018 йил январь-июнь ойларида вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 145,1 млрд.сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 13,0 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, %



Вилоятда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича энг юқори ўсиш суръати январь ойида (117,4 %)қайд этилди.

Молиявий хизматларнинг ўсиш суръати,%




Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (88,9 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 9,5 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият 1,6 % ни ташкил этди.

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, фоизда</i>
Хоразм вилояти	1949,8	105,6	100,0
Урганч шаҳри	951,6	109,7	48,8
Хива шаҳри	44,8	103,6	2,3
<i>туманлар:</i>			
Боғот	91,3	100,9	4,7
Гурлан	100,6	101,1	5,2
Қўшқўпир	88,5	100,7	4,5
Урганч	142,3	109,8	7,3
Хазорасп	129,4	100,4	6,6
Хонқа	90,8	100,3	4,7
Хива	73,2	100,7	3,7
Шовот	89,8	101,1	4,6
Янгиариқ	77,7	100,1	4,0
Янгибозор	69,8	100,3	3,6


**Вилоят бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)**



Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Урганч шаҳри (48,8%), Урганч (7,3%), Хазорасп (6,6%), Гурлан (5,3%) туманларида кузатилмоқда.

Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Хива шаҳри (2,3 %), Янгибозор (3,6 %), Хива (3,8 %), Янгиариқ (4,0 %) туманлари эгаллайди.

**Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати**
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



2018 йил январь-июнь ойларида вилоят бўйича бозор хизматлари ҳажми аҳоли жон бошига 1077,2 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,6 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Урганч шаҳрида (6767,9 минг сўм), Янгибозор (825,5 минг сўм), Урганч (745,8 минг сўм) ва Гурлан (700,7 минг сўм) туманларига тўғри келади.

Ҳудудлар ўртасида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг паст кўрсаткич Хива шаҳрида (500,0 минг сўм), Хонқа (503,8 минг сўм), Хива (521,8 минг сўм) туманларида кузатилди.

VIII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-июнида барча транспорт турлари томонидан 16,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 304,4 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 6,2 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	2018 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, <i>млн. тн.</i>	16,4	105,4

шу жумладан:

автомобиль транспортида	16,4	105,4
-------------------------	------	-------

Юк айланмаси, <i>млн. тн-км</i>	304,4	106,2
---------------------------------	-------	-------

шу жумладан:

Автомобиль транспортида	304,4	106,2
-------------------------	-------	-------

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-июнига нисбатан 101,1 фоизга кўпайди ва 183,8 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 60,4 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-июнида 63,4 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 188,9 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2,0 фоизга кўпайиб, 3645,0 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси транспорт турлари

	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2017 йил январь- июниганисбатанфоиз ҳисобида</i>
Ташилган йўловчи, млн. йўловчи.	188,9	101,2

шу жумладан:

Автомобиль транспортида	188,6	101,3
ички электро транспортда	0,3	63,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи- км	3645,0	102,0

шу жумладан:

Автомобиль транспортида	3638,1	102,1
ички электротранспорт	6,9	63,0

2018 йил январь-июнь ойларида вилоят бўйича барча турдаги транспорт воситаларида 188,9 млн. кишига хизмат кўрсатилиб, 2017 йил январь-июнига нисбатан 101,2 фоизга ошган, шу жумладан автомобиль транспортида 188,6 млн. кишига хизмат кўрсатилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 101,3 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-июнь ойларида вилоят бўйича йўловчи айланмаси 3645,0 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди ва 2017 йил январь-июнига нисбатан 102,0 фоизга ошган, шу жумладан автомобиль транспорти йўловчи айланмаси 3638,1 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 102,1 фоизга ошди.

IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-июнида чакана товар айланмаси 2421,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	2421,6	105,4	100,0
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	0,4	2,1 марта	0,02
нодавлат мулки	2421,2	134,9	99,98

Йирик савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-июнида 423,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 135,8 фоизга ошган.

Кичик тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июнь ойларида 1764,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,4 фоизни ташкил қилган.

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 38,5 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-июнига нисбатан 116,7 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 1337,8 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 103,7 фоиз булиб (2017 йил январь-июнь ойларида 1054,8 минг сўмни ташкил этган).


2018 йил январь-июнида чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	2421,6	105,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	423,2	135,8	17,5
кичик тадбиркорлик	1764,7	100,4	72,9
уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	233,6	102,0	9,6

Чакана товар айланмаси ҳажми умумий овқатланишни кўшган ҳолда
(млрд. сўм)

	<i>2018 йил январь-июнь</i>	<i>2017 йил январь-июнь</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Вилоят бўйича жами:	2421,6	1879,5	105,4
Урганч шаҳар	817,8	616,4	108,5
Хива шаҳар	86,4	64,9	108,9
Боғот тумани	112,0	89,3	102,5
Гурлан тумани	191,9	151,2	103,8
Кўшкўпир тумани	105,2	79,2	108,7
Урганч тумани	218,0	174,7	102,0
Хазорасп тумани	339,6	272,2	102,0
Хонқа тумани	153,0	119,6	104,7
Хива тумани	52,4	40,2	106,7
Шовот тумани	138,7	107,5	105,5
Янгиариқ тумани	131,1	104,2	102,9
Янгибозор тумани	75,5	60,1	102,8

Шаҳар ва туманлар кесимида чакана товар айланмаси ҳажми умумий овқатланишни қўшган ҳолда



**Худудлар кесимида чакана товар айланмаси
(умумий овқатланишни қўшиб олган ҳолда)**

	<i>2017 йил январь-июнь (млн.сўм)</i>	<i>Аҳоли жон бошига (минг сўмда)</i>	<i>2018 йил январь-июнь (млн.сўм)</i>	<i>Аҳоли жон бошига (минг сўмда)</i>
Вилоят бўйича жами:	1879459,2	1054,8	2421570,3	1337,8
Урганч шаҳар	616365,5	4424,7	817814,5	5816,6
Хива шаҳар	64930,8	736,2	86445,7	965,9
Боғот тумани	89348,1	573,1	112003,4	706,6
Гурлан тумани	151197,9	1067,0	191925,7	1336,5
Қўшқўпир тумани	79163,0	484,5	105164,8	633,5
Урганч тумани	174737,1	933,4	217995,8	1142,5
Хазорасп тумани	272188,4	1151,4	339553,0	1414,2
Хонқа тумани	119553,5	674,7	152966,7	848,9
Хива тумани	40189,5	291,7	52449,6	374,1
Шовот тумани	107546,2	667,6	138744,4	846,5
Янгиариқ тумани	104175,9	942,8	131052,3	1168,0
Янгибозор тумани	60063,3	722,8	75454,3	893,0


X. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2018 йилнинг январь-июнь ташқи савдо айланмаси 108,9 млн. АҚШ долларини, жумладан 40,8 млн. АҚШ долларини, экспорт операциялари, 68,1 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -27,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


2018 йилнинг январь-июнда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн АҚШ dollari)

	январь-июнь		2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 й.	2018 й.	
Ташқи савдо айланмаси	141,0	108,9	77,2
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	34,9	44,3	127,0
бошқа давлатлар	106,1	64,6	60,9
Экспорт	59,1	40,8	69,0
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	20,4	21,8	106,5
бошқа давлатлар	38,7	19,0	49,2
Импорт	81,9	68,1	83,2
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	14,5	22,6	155,9
бошқа давлатлар	67,4	45,5	67,5

МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши (январь-июнь)
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
(2018 йилнинг январь-июнида, фоизда)




Дунёдаги мамлакатлар орасида ташқи савдода ҳамкор давлатлар Россия, Хитой, Туркия, Афғонистон, Эрон, Германия, ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 83,5 % ни ташкил қилади


Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда
(2018 йил январь–июнь)




Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда
(2017 йил январь–июнь)



Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда
(2018 йил январь–июнь)




Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда
(2017 йил январь–июнь)




Вилоят экспорти ҳажмида энг катта улушга эга бўлиб, жами экспорт ҳажмининг 61,2 фоизини, шунингдек, жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти энг катта улушга эга бўлиб, жами импорт ҳажмининг 53,8 фоизини ташкил қилди.

**МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган
ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:
2018 йилнинг январь–июнида**

Экспорт



Импорт



**Хоразм вилоятида ҳудудлар кесимида 2018 йил январь-июнь ойларида
Ташқи савдо айланмаси ҳажми (минг АҚШ долл.)**

	<i>Ташқи савдо айланмаси</i>			<i>Жамига нисбатан % улуши</i>
	<i>2018 йил</i>	<i>2017 йил</i>	<i>ўтган йилга нисбатан, %</i>	
Хоразм	108913,8	141007,3	77,2	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч ш.	37044,9	25542,6	145,0	34,0
Хива ш	3417,8	-	-	3,1
<i>туманлар:</i>				
Боғот	8721,9	9728,0	89,7	8,0
Гурлан	7239,6	4425,4	163,6	6,6
Кўшкўпир	2892,8	4406,9	65,6	2,7
Урганч	9240,3	5289,0	174,7	8,5
Хазорасп	4536,6	6866,3	66,1	4,2
Хонқа	4572,3	11144,0	41,0	4,2
Хива	2673,3	4708,1	56,8	2,5
Шовот	15813,7	50859,9	31,1	14,5
Янгиариқ	3628,3	5410,4	67,1	3,3
Янгибозор	1049,2	2812,3	37,3	1,0

2) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда

**Хоразм вилоятида ҳудудлар кесимида 2018 йил январь-июнь ойларида
Экспорт ҳажми (минг АҚШ долл.)**

	<i>Экспорт</i>			<i>Жамига нисбатан % улуши</i>
	<i>2018 йил</i>	<i>2017 йил</i>	<i>Ўтган йилга нисбатан, %</i>	
Хоразм	40761,0	59087,9	69,0	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч ш.	4852,4	7630	63,6	11,9
Хива ш	2300	-	-	5,6
<i>туманлар:</i>				
Боғот	6095,2	8599,6	70,9	14,9
Гурлан	5790,2	4015,1	144,2	14,2
Қўшқўпир	1001,8	3574,6	28,0	2,5
Урганч	2670,7	1911,5	139,7	6,6
Хазорасп	854,9	2736,9	31,2	2,1
Хонқа	1422,2	6182,6	23,0	3,5
Хива	230,7	2901,1	8,0	0,6
Шовот	13112	12404,8	105,7	32,2
Янгиариқ	975,6	5173,8	18,9	2,4
Янгибозор	1049,2	2812,3	37,3	2,6

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда

**Хоразм вилоятида ҳудудлар кесимида 2018 йил январь-июнь ойларида
Импорт ҳажми (минг АҚШ долл.)**

	<i>Импорт</i>			<i>Жамига нисбатан % улуши</i>
	<i>2018 йил</i>	<i>2017 йил</i>	<i>ўтган йилга нисбатан, %</i>	
Хоразм	68152,8	81919,4	83,2	100,0
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч ш.	32192,5	17912,6	179,7	47,2
Хива ш	1117,8	-	-	1,6
<i>туманлар:</i>				
Боғот	2626,7	1128,4	232,8	3,9
Гурлан	1449,4	410,3	353,3	2,1
Қўшқўпир	1891	832,3	227,2	2,8
Урганч	6569,6	3377,5	194,5	9,6
Хазорасп	3681,7	4129,4	89,2	5,5
Хонқа	3150,1	4961,4	63,5	4,7
Хива	2442,6	1807	135,2	3,6
Шовот	2701,7	38455,1	7,0	4,0
Янгиариқ	2652,7	236,6	1121,2	3,8
Янгибозор	-	-	-	-

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшиган ҳолда

XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1815,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 10380 кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди.

Доимий аҳоли сони
(2018 йил 1 июль ҳолатига, минг киши ҳисобида)

	Жами аҳоли ¹⁾	шу жумладан:	
		шаҳар аҳолиси ¹⁾	қишлоқ аҳолиси ¹⁾
Вилоят бўйича:	1815,3	604,4	1210,9
<i>шаҳарлар:</i>			
Урганч ш	141,0	141,0	-
Хива ш	89,7	89,7	-
<i>туманлар:</i>			
Боғот	159,1	27,9	131,2
Гурлан	144,0	61,4	82,6
Кўшкўпир	166,3	42,8	123,5
Урганч	191,5	25,7	165,8
Хазорасп	240,9	52,4	188,5
Хонқа	180,8	62,2	118,6
Хива	140,5	16,4	124,1
Шовот	164,3	42,7	121,6
Янгиариқ	112,5	26,7	85,8
Янгибозор	84,7	15,6	69,1

¹⁾ дастлабки маълумот

2018 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда шаҳарда яшовчи доимий аҳоли сони 604,4 минг кишини ёки вилоят доимий аҳоли сонининг 33,3 фоизини, қишлоқ жойларида яшовчи доимий аҳоли сони эса 1210,9 минг кишини ёки вилоят доимий аҳоли сонининг 66,7 фоизини ташкил қилди.

Туғилиш. 2018 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони 14548 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (14726 киши) нисбатан 178 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,2 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16,7 промилле) нисбатан 0,5 промиллега камайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари
(1 июль ҳолатига, 1000 аҳоли сонига нисбатан)

	Туғилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2017й.	2018й. ¹⁾	2017й.	2018й. ¹⁾	2017й.	2018й. ¹⁾

Вилоят бўйича:	16,7	16,2	4,6	4,1	12,1	12,1
-----------------------	-------------	-------------	------------	------------	-------------	-------------

шаҳарлар:

Урганч	17,8	17,7	6,4	5,9	11,4	11,8
Хива	14,6	14,0	4,5	4,9	10,1	9,1


туманлар:

Боғот	17,8	17,0	4,6	3,5	13,2	13,5
Гурлан	17,9	16,4	4,8	4,1	13,1	13,5
Қўшқўпир	14,1	13,9	4,0	4,0	10,1	12,3
Урганч	16,5	16,9	4,2	4,2	12,3	9,9
Хазорасп	18,2	17,9	4,6	4,2	13,6	12,7
Хонқа	17,4	18,4	4,2	4,0	13,2	13,7
Хива	14,2	12,2	4,2	3,2	10,0	14,4
Шовот	17,0	15,6	4,6	3,8	12,4	9,0
Янгиариқ	14,8	14,2	4,4	4,0	10,4	11,8
Янгибозор	18,6	18,0	5,0	4,1	13,6	10,2

¹⁾ дастлабки маълумот

Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январь-июнь ойларида

(ҳар минг кишига нисбатан)



Аҳолининг табиий ҳаракати

(2018 йил 1 июль ҳолатига, 1000 аҳоли сонига нисбатан)

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	14726	14548	-178	16,7	16,2
Ўлганлар	4032	3710	-322	4,6	4,1
шу жумладан: бир ёшгача болалар	301	207	-94	15,7	11,2
Табиий ўсиш	10694	10838	144	12,1	12,1
Никоҳлар сони	7978	8041	63	9,0	9,0
Ажралишлар сони	700	484	-216	0,8	0,5


¹⁾ дастлабки маълумот

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Гурлан (17,9 дан 16,4 промиллега), Қўшқўпир (14,1 дан 13,9 промиллега), Хазорасп (18,2 дан 17,9 промиллега), Шовот (17,0дан 15,6 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 3710 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (4032 киши) нисбатан 322 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,1 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-июнида 4,6 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Урганч шаҳрида (6,4 дан 5,9 промиллега), Боғот (4,6дан 3,5промиллега), Гурлан(4,8 дан 4,1 промиллега), Янгибозор (5,0 дан 4,1 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганларнинг умумий сонидан 61,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,5 фоизи – ўсма касалликларидан, 5,0 фоизи – бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 5,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 3,5 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан ва 14,6 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида бир ёшга тўлмаган 207 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 1000 туғилган болаларга нисбатан 11,2 промиллени (ўтган йилнинг шу даврида 15,7 промилле) ташкил қилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 58,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 8,7 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 22,7 фоизи – туғма аномалиялардан ва 2,9 фоизи инфекция ва паразитар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-июнида ФХДЁ органларида 8041 та никоҳлар ва 484 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,0 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида 9,0 та) ва 0,5 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида 0,8 га) тўғри келади.

Тузилган никоҳлар сонининг кўпайиши Гурлан (9,2 дан 10,1 промиллега), Янгиарик(9,0 дан 10,4 промиллега), Шовот (8,8 дан 9,5 промиллега) туманларида кузатилди.

Вилоятда никоҳдан ажралишлар сони 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан Урганч шаҳрида 0,8 промиллега, Қўшқўпир туманида 0,5 промиллега, , Хива ва Янгиарик туманларида 0,4 промиллега, Урганч туманида 0,2 промиллега камайиши кузатилди.


Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
(январь-июнь ойларида, 1000 аҳоли сонига нисбатан)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017й.	2018й. ¹⁾	2017й.	2018й. ¹⁾
Вилоят бўйича:	9,0	9,0	0,8	0,5
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч	9,0	7,7	2,0	1,2
Хива	7,3	7,8	0,4	0,5
<i>туманлар:</i>				
Боғот	9,4	8,5	0,5	0,5
Гурлан	9,2	10,1	0,8	0,6
Кўшкўпир	10,7	10,1	0,9	0,4
Урганч	8,4	7,5	1,0	0,8
Хазорасп	8,9	8,5	0,7	0,5
Хонқа	8,8	8,7	0,5	0,4
Хива	8,1	9,3	0,5	0,1
Шовот	8,8	9,5	0,6	0,5
Янгиариқ	9,0	10,4	0,8	0,4
Янгибозор	10,1	10,6	0,7	0,6

¹⁾ дастлабки маълумот

2018 йил январь-июнь ҳолатига никоҳ ва ажрим коэффициенти

(ҳар 1000 аҳолига, промилле)




Кўчиб келиш ва кўчиб кетишлар сони

(январь-июнь ойларида кишида)


	Кучиб келишлар		Кучиб кетишлар		Миграция сальдоси	
	2017й.	2018й. ¹⁾	2017й.	2018й. ¹⁾	2017й.	2018й. ¹⁾
Вилоят бўйича:	3875	3429	4365	3887	-490	-458
<i>шундан: вилоятдан ташиқари</i>	710	669	1200	1127	-490	-458
<i>шаҳарлар:</i>						
Урганч	777	1025	1446	1030	-669	-5
Хива	-	89	-	104	0	-15
<i>туманлар:</i>						
Боғот	156	126	156	182	0	-56
Гурлан	132	105	249	203	-117	-98
Қўшқўпир	283	176	331	292	-48	-116
Урганч	1333	924	586	757	747	167
Хазорасп	165	143	328	309	-163	-166
Хонқа	172	139	279	209	-107	-70
Хива	247	171	353	214	-106	-43
Шовот	248	165	253	230	-5	-65
Янгиариқ	183	266	181	192	2	74
Янгибозор	179	100	203	165	-24	-65

¹⁾ дастлабки маълумот

Кўчиб келишлар сони
(январь-июнь ойларида кишида)



Кўчиб кетишлар сони
(январь-июнь ойларида кишида)



¹⁾ дастлабки маълумот

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 3429 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3887 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 458 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 490 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиғлар Хазорасп туманида (минус 166), Қўшқўпир туманида (минус 116), Гурлан туманида (минус 98) Хонқа туманида (минус 70), кузатилди.

ХИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Иш ҳақи. 2018 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

- таълимда 969 та муассасада 56003 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 48,5 фоизни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 338,9 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 42,2 фоизни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1008602,0 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 15,6 фоизга ўсди;

- саноатда 31 та корхонада 11952 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 10,3 фоиз) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 108,6 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 13,5 фоизни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1514471,9 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 38,5 фоизга ўсди;

- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 62 та муассасада 21446 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,6 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 124,1 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 15,4 фоизни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 964253,4 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 15,0 фоизга ўсди;

- ташиш ва сақлашда 7 та корхонада 2501 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,2 фоиз) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 26,7 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 3,3 фоизни) ташкил этган. Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1780776,2 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 32,7 фоизга ўсди;

- молиявий ва суғурта фаолиятида 29 та муассасада 3021 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,6 фоиз) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 48,3 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 6,0 фоизни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2662866,2 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 33,0 фоизга ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2018 йил январь-июнь ойларида Хоразм вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1159178,0 сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 24,0 фоизга ўсишни таъминлади.

Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди

2018 йил январь-июнь ойларида

(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)


	Корхона ва ташкилотлар сони, бирлик	Ходимлар сони, киши	Иш ҳақи фонди, млн. сўм	Ўртача ойлик иш ҳақи, сўм
Хоразм вилояти - жами	1529	115516	803421,6	1159178,0
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	31	11952	108605,8	1514471,9
Қурилиш	11	1429	9665,5	1127307,7
Савдо	21	2113	15112,6	1192031,0
Ташиш ва сақлаш	7	2501	26722,3	1780776,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10	43	201,4	780591,5
Ахборот ва алоқа	18	824	7155,5	1447300,1
Молиявий ва суғурта фаолияти	29	3021	48267,1	2662866,2
Таълим	969	56003	338908,4	1008602,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	62	21446	124076,3	964253,4
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	41	1353	7307,2	900124,3
Бошқа фаолият турлари	330	14831	117399,5	1319303,3



2018 йил январь-июн ойларида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг юқори ўсиш суръати ахборот ва алоқада 49,7 фоиз, молиявий ва суғурта фаолиятида 33,0 фоиз, саноатда 38,5 фоиз, қурилишда 21,8 фоиз қузатилди.


2018 йил январь-июнь ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан молиявий ва суғурта фаолиятида 129,7 фоиз, ахборот ва алоқада 24,8 фоиз, саноатда 30,6 фоиз, ташиш ва сақлашда 53,6 фоиз юқори ўсишни ташкил этган бўлса, аксинча яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 32,7 фоизга, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 16,8 фоизга, таълимда 13,0 фоизга, Санъат, кўнгил очиш ва дам олишда 22,4 фоизга камайишни кўрсатмоқда.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори ва ўсиш суръати
2018 йил январь-июнь ойларида
 (қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Урганч шаҳрида 1427312,9 сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан (123,1 %) ташкил этган бўлса, Хазарасп туманида 1189310,9 сўмни (102,6 %), Гурлан туманида 964163,0 сўмни (83,2%), Шовот туманида 911516,4 сўмни (78,6 %) ва Янгибозор туманида 945120,0 сўмни (81,5%) ташкил этиб, бошқа туманларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (2018 йил январь-июнь, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил январь-июнь ойларида 426466,2 сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Хоразм вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(январь-июнь; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, сўм)

	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати, %
Хоразм вилояти	934602,6	1159178,0	124,0
Урганч шаҳар	1098932,7	1427312,9	129,9
Хива шаҳар	-	1031866,4	-
<i>туманлар:</i>			
Богот	846058,0	1004180,1	118,7
Гурлан	798683,1	964163,0	120,7
Қўшқўпир	858838,5	1021597,1	118,9
Урганч	862909,8	1085581,8	125,8
Хазорасп	951321,7	1189310,9	125,0
Хонқа	895554,8	1063444,5	118,7
Хива	858030,7	1012368,2	118,0
Шовот	806758,7	911516,4	113,0
Янгиариқ	844448,2	1044161,8	123,6
Янгибозор	790365,6	945120,0	119,6



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ
2018 ЙИЛ ЯНВАРЬ-ИЮНЬ**

Нашрга масъул:

**Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**
тел. 8(362) 224-65-02

Буюртма рақами №__ __. __. 2018 й. Тираж __ нусха

**Хоразм вилояти статистика бошқармаси
Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси 93-уй**

веб-сайт: www.xorazmstat.uz
электрон почта: chorazmstat@umail.uz